

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 186 (10.491)

2005 ЙИЛ 20 СЕНТЯБРЬ

Пойтахтимиздаги барча туманлар каби филонзор туман меҳнат бўлими жамоаси ҳам доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда уларга мададкор бўлишга бел болаган.

**СУРАТДА:** меҳнат бўлимининг малакали ходимлари Нилуфар Султонова ҳамда Дилором Нурмухамедовалар ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик бор жойда, ишда ҳам барака бўлишини яхши тушунган ҳолда меҳнат қиладилар. (Шу мавзуга оид материалларни "Ишга марҳамат" саҳифаси орқали 4-5-бетларда ўқishingиз мумкин).



Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича III Миллий саммит очилди. У «Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги - UzInfoCom-2005» доирасида ўтказилмоқда. Саммит давлат органлари, хусусий бизнес, халқаро ҳамжамият ва жамоат тузилмалари вакилларининг Ўзбекистон Республикасида АКТни янада ривожлантириш ва ахборот ҳамжамиятини шакллантириш масалалари бўйича ошора муҳокама ўтказиш имконини беради.

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ САММИТ

Саммитни Вазирилар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон ривожланиши учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати га кўмаклашиш» лойиҳаси ва ITE Uzbekistan компанияси ташкил этди.

Саммитда иштирок этиш учун давлат бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва чет эл IT-компаниялари вакиллари, турли тармоқлар мутахассислари тақлиф этилган. Мамлакатнинг умумий ривожланиши мақсадлари учун АКТни қўллаш ҳамда ахборот технологияларини жорий этишдан амалий фойда олиш масалалари мазкур анжуманда асосий мавзу бўлади. Бу саммит аввалги икки анжумандан шу жиҳати билан фарқланади. Уларда ривожланиш инфратузилмаси муҳокама қилинган ва республиканинг АКТ таяёрлик даражасига баҳо берилган эди. Энди эса улар ҳамият тараққиётининг муҳим омилли сифатида баҳоланмоқда.

III Миллий саммит 2005 йил ноябрида Тунисда ўтказилади. Ахборот ҳамжамияти масалалари бўйича бутунжаҳон учрашувида қатнашишга тайёргарлик вазифасини ўтайди. Шу боис саммитда Ўзбекистоннинг Тунисдаги учрашувга тайёргарлик даражаси ва халқаро қўламда ва мамлакат ичида ахборот ҳамжамиятини шакллантиришга республикамизнинг кўшаётган улуши муҳокама этилади. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда АКТни янада ривожлантириш бўйича саммит резолюциясини қабул қилиш режалаштирилган.

Саммит билан бир пайта ахборот-коммуникация технологиялари халқаро кўргазмаси — InfoComExpo 2005 ўтказилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикаси ҳудуди узра парвоз этиб, Хиндистонга қайтар эканман, Хиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан Ўзбекистоннинг дўст халқига фаровонлик ва гуллаб-яшнашини тилаб билдирган самимий қутловларим ва эзгу тилақларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Манмохан СИНГХ,  
Хиндистон Бош вазири

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

17 сентябрь куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда айрим округлар бўйича бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайловлар яқунлари кўриб чиқилди ҳамда шаҳар Кенгашининг таркибиде депутатлик гуруҳларини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Биринчи масала юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг ахбороти тинланди.

«Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ваколатлари мuddатидан илгари тугатилган депутатлар ўрнига айрим сайлов округлари бўйича 2005 йил 11 сентябрь куни сайлов ўтказиш тўғрисида шаҳар сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинган.

Ушбу сайловларда иштирок этиш учун шаҳар сайлов комиссияси томонидан ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда сиёсий партиялардан 16 нафар номзод рўйхатга олинди.

Сайлов бюллетенлари ҳар бир номзод билан у ёки бу округ бўйича рўйхатга олиниши хусусида келишилган ҳолда тузилди.

Сайловларда 16-Ҳумоюн, 31-Учучилар, 37-Қурувчилар, 44-Навоий ва 59-Бўрижар округлари ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг ўрта ҳисобда 74 фоизи қатнашди. Шаҳар сайлов комиссияси ўз округи бўйича сайловчиларнинг 50 фоиздан кўп овозини олишга муваффақ бўлган бешта номзодни депутат этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан - икки нафар депутат, Ўзбекистон Фи-

доркорлар Миллий демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан - биттадан, ўзини ўзи бошқариш органидан ҳам бир нафар депутат сайланди.

Бешта округ бўйича сайланган депутатлар рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Сессияда шаҳар сайлов комиссиясининг ушбу ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, бўшаб қолган ўринларга сайланган янги депутатлар ваколатини тан олиш тўғрисида қарор ҳам тасдиқланди.

Сессияда шунингдек, сиёсий партиялар шаҳар кенгашларининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида депутатлик гуруҳларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси депутатлари мажлиси тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар депутатликка ўз номзодларини тавсия этиш билан бирга, сайланган депутатлар таркибиде Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик фракцияларини, маҳаллий Кенгашларда, хусусан Тошкент шаҳар Кенгашида депутатлик гуруҳларини ташкил этиш ҳуқуқига эгадир.

Давоми 2-бетда.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*бир кўни*  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
сўзлар

• **БУГУН** Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорликда ўтказилган конференция «Аёл ва маънавият» деб номланди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Шарк» маҳалласида «Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови» мавзусида давра сўхбати ўюштирилди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги «Матонат» маҳалласида бўлиб ўтган тадбир «Огоҳлик — давр талаби» деб номланди.

• **МИРОБОД** туманидаги Ойбек маҳалласида бўлиб ўтган тадбир Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга бағишланди.

• **БЕКТЕМИР** туманида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамағамаси томонидан Маҳалла посбони тизимида фаолият кўрсатган посбонлар ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида ўқув услубий машғулот ўтказилди. Бу каби машғулотлар Миробод,

Мирзо Улугбек, Яққасарой, Юнусобод туманларида ҳам бўлиб ўтди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бош бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамағамаси ўзaro ҳамкорликда Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласида ташкил этган учрашув кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

**XVI сарфоси**  
Барча мейблардан олинган сўғити хабарлар

**Мамлакатимизда**

• Мамлакатимиз пахтакорлари уйган хирмон 1 000 000 тоннадан ошиб кетди.

• Навоий шаҳридаги «Электримэзаводи» қўшма корхонаси ёпиқ акционерлик жамияти рационализаторлари яратган янги препарат «Авгурон Экстра» деб номланди. У ўзани дефляция қилишда қўлланилади.

• Республика Киночилар уйида «Ўзбекино» миллий агентлигининг «Хулқарфильм» студиясида суратта олинган «Кўёшга интилиб...» ҳужжатли-бадий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида тасвирга туширилган ушбу фильмда оила қуришга эҳтиёткорлик ва масъулият билан ёндашиш зарурлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

• «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида 11-16 ёшли ўсмирлар, шунингдек, эркек ва хотин-қизлар ўртасида таэквондо (ITF) бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида 400 нафар спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.

**Жаҳонда**

• Берлин шаҳрида Интерполнинг 76- Бош ассамблеяси ўз ишини бошлади. Ушбу ташкилотга аъзо 182 мамлакатдан 1000 га яқин вакил иштирок этаятган анжуманда халқаро террорчилик ва нарқобизнес, одам савдоси ҳамда киноятчиликни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинмоқда.

• Туркиянинг Анталиа шаҳрида йўловчи ташувчи автобуснинг портлаб кетиши оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди, 10 дан ортқ йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Шу кунларда АКШга ана бир табиий офат хавф солмоқда. «Рита» довули яқинлашиб келаётгани сабабли Флорида штати губернатори штатда фавқулодда ҳолат жорий этди.

## СЕМИНАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раисларининг давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган амалий семинар ва давра суҳбатларининг навбатдаги босқичи бошланди.

Мазкур академия ректори Қ.Назаров семинарни очар экан, мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларни ижтимоий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ушбу Фармонда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда туман ва шаҳар Хотин-қизлар кўмиталари раисларининг ўқув-машғулотларини бошлаган. Mashғулотлар ҳар бир ҳудуддаги аёллар ташкилотларининг ўзига хос жиҳатлари, улар дуч келадиган муаммо ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилаётгани эътиборга лойиқдир. Бу гаги семинар ва давра суҳбатига Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларининг Хотин-қизлар кўмиталари раҳбарлари тақлиф этилди.

Семинар ва давра суҳбатларида тингловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар, вазирликлар мутасаддилари иштирокида очик мулоқотлар, ўқув машғулоти ташкил этилмоқда. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари фаолияти атрофлича ўрганилади, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилади, уларга самарали фаолият юритиши учун амалий ёрдам берилади.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири**

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари тасдиқланди, шу жумладан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан - 23 киши таркибда, Халқ демократик партиясидан - 12 киши, Фидокорлар Миллий демократик партиясидан - 8 киши ва «Адолат» Социал-демократик партиясидан - тўрт киши таркибда гуруҳлар ташкил топиб, уларнинг раҳбарлари ҳам белгиланди. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлик корпуси 60 кишидан иборат тарзда шаклланди.

Сессияда бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Шу кунги Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Рес-**

**публикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган айрим депутатларнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилганлиги муносабати билан бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.**

Мажлисда сўзга чиққан Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов депутатларни парламентнинг юқори палатасига сайловлар ўтказиш тартиби билан қисқача таништириб ўтди.

Сенатнинг асосий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасвир этилган 16 киши ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳисобидан - ҳар бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан олти кишидан тасвир этилиб, умумий 100 та аъзодан иборат бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига муво-

фиқ Тошкент шаҳар Кенгашининг 37-Қурувчилар ва 59-Бурижар сайлов округлари бўйича ваколатлари муддатидан олдин тугатилган депутатларнинг сенаторлик ваколатлари ҳам тугатилди.

Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан юқори палата аъзоллигига номзодларни аниқлаш ҳамда бўшаб қолган ўринларга янги Сенат аъзолари сайловини ўтказиш бўйича Оқсоқоллар кенгашини ташкил этди.

Оқсоқоллар кенгаши йиғилишини ўтказиш учун эълон қилинган танаффусдан сўнг мажлисга раислик қилувчи Сенат аъзоларини сайлаш бўйича Оқсоқоллар кенгаши томонидан тасвир қилинган тамойиллар ҳақида ахборот берди.

Хусусан, Сенат аъзолигига номзодлар авваламбор Тошкент шаҳри манфаатларидан

келиб чиққан ҳолда аниқланиб, пойтахтнинг эҳтиёж ва муаммоларини яхши биладиган, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта тажрибага эга бўлган депутатлар орасидан танлаб олингани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Сўнг Оқсоқоллар кенгаши томонидан Сенат аъзолигига тасвир этилаётган икки номзод бўйича тақлифлар ўқиб эшиттирилди ва уларнинг номи сайлов бюллетенларига киритилди.

Депутатлар қайд этилган номзодлар бўйича яширин овоз бердилар. Саноқ комиссиясининг натижаларига кўра Тўхтаев Абдуқоҳир Ҳасанович — Тошкент шаҳар ҳокими ва Ҳақимов Бахтиёр — Собир Раҳимов тумани ҳокими Олий Мажлиси Сенати аъзолари таркибига киритилиб, бу ҳақда Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**



Бугунги кунда "ZEBINISO ONA" савдо ланаётган "MAKAS" макарон ва вермишел-

маркаси билан чиқарилаётган қандолат ҳамда "MAKAS" деб номланган хилма хил макарон маҳсулотларининг ўз харидорларини бор. Бунинг асосий боиси эса товарнинг сифатида, бозор талаблари асосида қадқоланиши ҳамда замонавий линия ва технологиялардан оқилона фойдаланишда, импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар тайёрлаш борасида тинмай изланиш олиб боришдадир.

Изланишлар самарасига нигоҳ ташлайдиган бўлсак, кичкинагина цехда 4 хил конфет тайёрлашдан иш бошлаган кичик корхона бугунги кунга келиб 100 хилдаги маҳсулотини бозорга чиқараётган, ўзининг "Зебинисо она" савдо белгисига эга катта жамоага айланди.

Энг муҳими эса унинг мамлакатимиз иқтисодиётида ўз улуши, ички бозорда ишончли мавқеи, доимий буюртмачилари бор. Ана шуларнинг барчасига эга бўлиш учун эса тadbиркорлар тинмай изланишда, хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, муҳими, сифатни бош мезонга айлантиришга эришди.

— Тadbиркор аввало ўз фаолияти давомида бугунги кун талабини чуқур англаши баробарида эртаси ҳақида ҳам пухта мақсадга эга бўлмоғи керак, — дейди корхона бош менежери Фахриддин Холмухамедов. — Негаки тadbиркорлик учун кенг йўл очилган юртимизда айни пайтда ҳар бир соҳада рақобат бор. Айниқса, ўзимизнинг йўналишини оладиган бўлсак, қандолат маҳсулотлари тайёрловчи корхоналар йилдан йилга кўпайиб бозорларимиздаги ана шундай товарларни кўриб улар ўртасидаги рақобатни

сешиш мумкин.

— Ана шу рақобатда синмаслик, аксинча ҳаммаша изланиш, бугундан кечикмай, эртдан олдин ҳаракат қилиш лозим. Биз имкониятларимизни ишга солиб ана шунга интиламиз. Бу изланишларимиз эса харидорларимиз сафи ортишида, ишлаб чиқариш ҳажми юксалишида шу асосда ишчиларимиз сони кўпайиб, қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада тайёр-

да кенгайтириш кўзда тутилган. Вилоятларда эса корхона дилерлари иш олиб боришмоқда.

Ички бозорда ўз мавқеига эга бўлган тadbиркорлар, албатта хориж бозорига ҳам интилишмоқда, маҳсулотларини Қирғизистон, Тожикистон давлатларига экспорт қилишмоқда. Хорижий харидорлар сафини орттириш эса аначгина меҳнат талаб этишини улар дилдан ҳис қилишади. Истеъмолчи талабининг ортиб бораётганлиги эса уларни бир зум ҳам изланишдан тўхтатмаяпти. Энг замонавий қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган линиялар келтиришга ҳаракат қилинмоқда.

— Излаган имкон топади, деб бежизга айтилмаган, — дейди Фахриддин Холмухамедов. — Буни корхонамиз тажрибасида ҳам яққол кўриш мумкин. Хар йили маҳсулотларимиз турини янгилаймиз, бозорни эса ўрганишдан чарчамаймиз. Фаолиятимиз ривожига эса албатта юртимизда тadbиркорлар учун яратилаётган кенг миқдосдаги шарт-шароитлар, кўллаб-қувватлашлар катта ёрдам бўлмоқда. Июнь ойида Президентимизнинг тadbиркорликка оид қатор Фармонлари ва Қарори чиқди. Бу жуда зарур ва ўз вақтида эълон қилинган ҳужжатлар юртимизда тadbиркорлик ривожига муҳим омиллар эканлигини барча эътироф этмоқда. Чиндан ҳам шундай бўлди, юқоридagi ҳужжатларда аксини топган имтиёз ва кафолатлар ишлашга, ҳақиқий тadbиркор учун изланишга катта имкон берди, тadbиркорликнинг чинакам ҳуқуқий базаси яратилди.

Янги иш бошлашга турли текшир-текшир, ноқонуний аралашувлардан безиллаб турган тadbиркорлар дадил одимлай бошлади, қаддини тиклади, кадрни юксалтади. Энди улар ўз маблагларини хоҳлаган фойдали ишларга йўналтиришлари, ҳам ўзлари, ҳам юрт бойлиги йўлида баракали меҳнат қилишлари мумкин. Ҳисоботлар топширишдаги имкониятлар эса энг керакли — вақт масаласини ҳал этди. Эндиликда корхона ҳисобчилари фақатгина ҳисоботлар билан ўралашиб қолмай, корхона ривожини учун ҳам ишлашга вақт топади. Қисқаси, бу имкониятларни кўлдан бермаслик керак.

Сирасини айтганда, корхона тadbиркорлари учун ҳар бир имконият қимматли. Чунки ундан самарали фойдаланиш ютуқлар гарови бўлади. Муваффақият эса интилиш ва изланишлар самараси эканлиги боис ҳам "ZEBINISO ONA"нинг маҳсулотлари кундан-кунга харидорлар бўлиб бормоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Зоиржон Султонов ва қандолатчилар Холлада Эловисова ва Зилола Мавлоновлар маҳсулот сифатидан мамнун; лаборатория бошлиғи Зухра Газизова.  
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.**

### Иқтисодиёт

## БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИ БОР

**Шириндан шаклар, бунинг дастга сифатли ва чиройли ўралган қандолат маҳсулотлари ҳаммаша дастурхонимиз беазаги, тўю ҳашамларимиз кўрки бўлиб келган. Уларни нафақат болажонларимиз, балки катталар ҳам севиб тановул қилишади. Негаки сифатли маҳсулот, айниқса талаб ва эҳтиёжга яраша бўлса харидорлари ҳам ана шунча кўп бўлади. Уларни ишлаб чиқараётган корхонанинг эса бозорда мавқеи ортиб боради.**

ларига талаб ҳаммаша юқори. Боиси, уни ишлаб чиқаришда юксак умумий Италия линиясида самарали фойдаланилмоқда. Шунинг баробарида яқин кунларда янги макарон линиясини келтириб ўрнатиш ҳам режаланган. Бу Европада энг замонавий саналган Украина ва Италия давлати ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотини тайёрлаш линиясини олиб келиш учун ҳозирда шартнома тузилмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида эса тadbиркорлар "Помадка" конфетлари ҳамда "Труфель" шоколадни аҳоли дастурхонига тортиқ этди. Бунинг учун эса цехларга ўрна-тилган Россия ҳамда Туркия ускуналаридан самарали фойдаланилди. Авваллари қадоклаш ашёлари Россия ва Хитойдан келтирилган бўлса, эндиликда уларни ўзимизда тайёрлаш



имконияти яратилгани ҳам ортқча югур-югурларга барҳам берди. Харидорларга қулайлик яратиш, уларни сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлардан асраш мақсадида корхонанинг "Карвон" бозориди 2 та фирма дўконини фаолият кўрсатаётган бўлса, келгусида пойтахтимизнинг йирик бозорларида ана шундай дўконлар сонини яна-

## Мағбирлар

## «БИЗ — ОРОЛ БОЛАЛАРИГА»

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ ва унинг оқиба-тида юзага келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар кўмағида бир қатор лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан Орол бўйи минтақаси аҳолисина тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Туюйин-Урганч-Нукус сув қувири қурилди, тиббиёт объектлари тизими ривожланмоқда, Орол денгизи қирғоқларидаги қумларни ва қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонларнинг кўтарилишининг олдини олиш мақсадида экинзорлар барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Албатта Орол бўйи минтақасидаги ижтимоий-экологик муаммоларнинг кенг кўламлиги ушбу муаммоларни бартраф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни янада қучайтиришни тақозо этиди.

Куни кеча «Экосан» халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзгелерадиокомпания ҳамкорлигида Орол бўйи минтақасида юзага келган ижтимоий-экологик вазиятни инobatга олган ҳолда кенг жамоатчилик эътиборини ушбу муаммога жалб этиш, элчихоналар, халқаро ташкилотлар, жумладан халқаро молиявий институтлар ва бошқа ҳолий ташкилотлар томонидан минтақа аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва уни «Экосан» саломатлик поездлари орқали етказиб бериш мақсадида «Биз-Орол болаларига» шиори остида Тошкент Давлат циркида экологик фестивал бўлиб ўтди. Карнай-сурнай наволари остида бошланган мазкур фестивалда бир қатор вазиралик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, элчихоналар ва халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этди. Цирк биноси фойсесида ташкил этилган «Орол - рассомлар нигоҳида» мавзусида Ўзбекистон мусаввирлари қаламига мансуб кўргазма, шунингдек «Тошкент гуллари», «Табийи матолардан ти-

килган замонавий либослар» кўргазмаси фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимини раиси Фарид Абдурахмонова сўзга чиқиб бугунги кунда энг долзарб бўлган табиий муҳитни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини, инсон учун энг зарур бўлган сув ва ҳавонинг мусоффолигини муҳофаза қилиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, анжуманда «Биз-Орол болаларига» саломатлик поездини ташкил қилиш хайрия акциясида иштирок этаётган бир қатор маҳаллий ва хорижий ташкилотлар вакиллари ҳам сўзга чиқдилар.

Фестивалда «Менинг уйим-менинг шаҳрим» экологик танлови ғолиблари «Экосан» халқаро ташкилоти ва «Маҳалла» жамғармасининг диплом ва совғалари билан тақдирландилар. Жумладан,



танловнинг «Энг обод ҳовли» номинацияси бўйича Ҳамза тумани, «Наврўз» маҳалласидаги Лисунов кўчасида жойлашган 17а, б, в-уйлар олдидики ҳовли, танловнинг эса «Энг намунали подъезд» номинацияси бўйича эса Мирзо Улуғбек тумани, Амир Темир маҳалласида жойлашган 12-уй йўлаги ғолиб деб топилди. Шунингдек, танловнинг «Энг намунали кўп қаватли уй» номинацияси бўйича Собир Раҳимов тумани «Қорасарой» маҳалласида жойлашган 4г-уй ғолиб сифатида диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад-дейди «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов. «Кўп қаватли уйлarning худудлари, ховлиси ва кириш йўлакларининг ҳолатини яхшилаш-

га, электрэнергияси, сув ва газ таъминотини яхшилашга, тежамкорлик билан ишлашга ва улар учун тўловларнинг ўз вақтида тўланишига, ободонлаштириш ишларига аҳоли фаолигини оширишдан иборат. Айтиш жоизки, «Биз-Орол болаларига» хайрия акциялари «Экология ва саломатлик кунлари»нинг учинчи босқичи доирасида давом этади. Бунда экологик хашарлар, хайрия концертлари ва бошқа акциялар ўтказиш режалаштирилган.

Қизиқарли ва тантанали равишда ўтган экофестивал таниқли эстрада юлдузлари ижросидаги шўх ва дилрабо кўшиқлар билан якунланди. **Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Биз-Орол болаларига» шиори остида ўтказилган экологик фестивалдан лавҳалар.**

Авваламбор айтиш жоизки, Миллий либослар галереяси шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида, Зарқайнар, Сағбон кўчалари ва А.Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи туташган жойда қад ростлаган. Бино ўзида миллий ва замонавий хусусиятларни муҷассам этади. Катта зал ҳамда намойиш жойлари мато ва либос намуналари, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси, шу билан бирга, турли танлов ва мода фестивалларини ўтказиш учун мўлжалланган. Галереяда ташкил этилган дастлабки тадбир ҳам айнан кенг кўламли ва жуда қизиқарли — Республика Миллий либослар фестивали бўлди.

Фестивални ўтказишдан асосий мақсад — дизайнер, бичувчи, тикувчи, рассом, хунармандлар ва миллий қадриятларимизни тиклашга ихлосманд бўлган инсонларни бирлаштиришдан иборат.

Мазкур тадбир ташкилотчилари — «Osyo gamzi» Республика моделлар уюшмаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Ўзбекистон маданияти ва

санъати форуми» жамғармаларининг режасига кўра, фестивал миллий матолар билан ишловчи дизайнерлар учун ўзига хос аҳамият касб этиб, аънавий тарзда ўтказиб борилади.

Модельер-дизайнерлар-

миллий либос максимал даражада тарихий аънаваларга мос келиши лозим. Унда бичиш, каштачилик ва мато рангини танлашда аънавалар имкон қадар сақланиши талаб этилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган номи-

ат аъзолари эса моделларни уч жиҳат: бадий савия, ижро маҳорати, маҳсулотнинг қоматбоплиги бўйича баҳолашди.

Ҳакамлар ҳайъати кўйган баҳолар натижасига кўра: «Аънана кадр-киммати» номинацияси бўйича Малик Мирсодиқов (Сурхондарё) ғолиб бўлди. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» номинацияси бўйича Элдор Мирқурбонов (Сурхондарё), «Авангард» номинацияси бўйича Валентина Романенко (Самарқанд), «Миллий матодан энг яхши фойдаланиш» номинацияси бўйича Нарғиза Тошмаматова (Андихон), томошабинлар оқшисига Озод Рўзибоев (Қашқадарё) сазовор бўлди.

Айтиш жоизки, фестивалда нафақат танлов иштирокчилари чиқиш қилиши, балки Ўзбекистоннинг энг машҳур дизайнерлари муаллифлигида миллий усудда тайёрланган либослар коллекциялари, фестивал иштирокчиларининг кўриқдан ташқари ишлари ҳам намойиш этилди. Шунингдек, фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимларида ҳам 9 та кўргазмали чиқишлар бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

## МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ФЕСТИВАЛИ

Янги барпо этилган Миллий либослар галереяси биносидида Ўзбекистонда биринчи марта Республика миллий либослар фестивали бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларида фаолият юритаётган дизайнерлар ўз коллекцияларидаги энг яхши моделлари билан иштирок этишди.

нинг уч кунлик кўриги давомидида фестивалнинг биринчи саралаш тури тадбирдан икки ҳафта олдин пойтахтдаги «Дом стили»да бўлиб ўтди. Бу ерда барча вилоятлардан келган дизайнерлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Саралаш тури якунида фестивалнинг танлов қисмида қатнашиш учун 17 ҳамда кўргазмали чиқишларда қатнашиш учун 8 та иштирокчи танлаб олинди.

Фестивалда 5 та номинация бўйича моделлер намойиш қилинди. Аънана кадр-киммати — бу номинацияда тақдим этилаётган

нациясида сўнги мода таллабларини ўзида акс эттирган, шу билан бирга миллий қадриятлар таъсирида яратилган моделлар кўрига ўтказилди. Авангард — бу номинацияда танлов иштирокчиларининг бичиш маҳорати ҳамда кийим элементларига ноанъанавий ёндашуви эътиборга олинди. Миллий матодан энг яхши фойдаланиш — бу номинацияда қўл меҳнатида яратилган экологик тоза модел тақдирланди. Сўнги номинация томошабинлар оқшиса бўлди.

Таҳрибали мутахассислардан ташкил топган ҳайъ-

## Сағнам

## ҲАВАСКОР РАССОМЛАРГА МУКОФОТЛАР

Тошкентда фаолият кўрсатаётган Озарбойжон маданият маркази томонидан уюштирилган тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда. Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган кўргазмалар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда.

Бундай экспозициялардан навбатдагиси «Биз мустақил юрт фарзандларимиз» деб номланди. Ундан 40 дан ортиқ ҳаваскор ёш рассомлар чизган энг яхши расмлар ўрин олди. Шу ижод намуналаридан бир нечтаси ғолиб деб топилди. Улар Озарбойжон маданият маркази, Миср маданият, фан ва таълим маркази, Ўзбекистон Бадий академияси каби ижодий уюшмалар томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

## СТУДИЯ ТОРТИФИ

«Ўзбекино» Миллий агентлигига қарашли студиялар суратга олаётган фильмлар рангбаранглиги билан ажраллиб туради. «Гала-фильм» студияси тақдим этаётган ҳужжатий фильмлар ҳам яхши баҳо олмақда.

Ёзуви Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллига бағишланган экран юзиди кўрган фильм ҳам томошабинларга манзур бўлди. Шунингдек, «Ойбек» деб номланган ўкув-маърифий видеофильм ҳам атоқли адиб юбилеига соғва бўлди.

Шу кунларда студия тарихий мавзуда янги ҳужжатий фильм устида иш олиб бормоқда. Қарши шаҳрининг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур экран асарини суратга олишда архив материалларидан фойдаланилмоқда. Бу фильм Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига студиянинг ижодий тортиги бўлади.

## АНСАМБЛ КОНЦЕРТИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Сағнам» халқ мусиқаси ансамбли томонидан уюштирилаётган концертлар жойларда қизиқиш уйғотишмоқда. Республика Уйғур маданият маркази хузурида ташкил топган бу бадий ижодий ҳаваскорлик гуруҳи яна янги томоша дастурини тайёрлади.


Ундан уйғур ва ўзбек халқ кўшиқ ва куйлари ўрин олди. Уйғурча рақслар ижроси ҳам томошабинда завқ-шағқ уйғотди.

Бу жозибали дастур Уйғур маданият марказининг навбатдаги маданий тадбири сифатида томошабинларга тақдим этилди.

Акбар АЛИЕВ

Бандлик хизмати

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Чилонзор туман меҳнат бўлими раҳбари Сайфиддин ОТАХҲАЕВ бизга жамоанинг жорий йил бошидан олиб бораётган фаолияти, йил охиригача кўзланган режадаги ишлар ҳақида қуйидаги ларни сўзлаб берди:



САМАРАДОРЛИК ОРТМОҚДА

— Туманимизда бугунги кунда 218,1 минг аҳоли истиқомат қилади. 49 та маҳаллалар оқсоқоллари билан меҳнат бўлими жамоаси ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш юритамиз. "Сихат-саломатлик йили" муносабати билан кўплаб маҳаллаларда аҳоли билан амалий ишлар, тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда жамоамиз ходимлари аҳолини қизиқтирган масалалар юзасидан маслаҳатлар бермоқда. Туманимизда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини 2713 нафарни ташкил этади. Улардан

орқали 4 нафари иш билан таъминланди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида йил бошидан 281 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди, улардан 170 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди, ҳаммаси бўлиб ҳисобот даврида 181 кишига 3686421 сўм миқдорда ишсизлик нафақаси тўланди. Муддатидан аввал нафақага чиқиш учун 23 нафар фуқаролар туман ижтимоий таъминот бўлимига юборилди. Маҳаллалардаги 2 ёшга

мақсадларида январь-август ойларида аҳолидан тушган аризалар асосида 1930 та оилага (кам таъминланган, кўп болали ҳамда муҳтож оилалар) ҳамда 2 ёшга ва 18 ёшгача болалари бўлган 1568 та оилаларга нафақа пуллари тайинланди. Шу йил бошидан меҳнат бўлими ташаббуси, Чилонзор туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси ва албатта, маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари кўмакларида туманимизда истиқомат қилаётган доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли учун уч марта "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар" меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда кўплаб йирик саноат, транспорт корхоналарининг, қурилиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ташкилотларининг малакали мутахассисларининг иштироклари таъминланди. Айниқса, "Мевазор", "Чарх-Камолон", "Чилонзор", "Қози-Камолот", "Катта Қозиробод", "Қатортол" каби кўплаб маҳаллалар оқсоқоллари туман меҳнат бўлими жамоасининг ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилган но-зиларига яқин мададкор ҳисобланишди. Чунки оқсоқол каби бошқа бирор киши маҳалладаги оилаларни яхши билмайди, уларнинг муаммо ва камчиликларидан хабардор эмас. Ёшларнинг қизиқишлари, интилишлари раисларнинг эътиборида бўлади. Шу боис ҳам бу борадаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда ишлашни кўллаб-қувватлаш керак. Меҳнат ярмаркаларига келса, самарадорлигини таъминлаш мақсадида уларни ўтказиш вақти, жойи, аҳолини кўпроқ жалб қилиш масалалари жамоамизнинг доимий диққат марказида.



меҳнат бўлимига 1280 нафар фуқаролар иш қидириб му-рожаат этган. Йил бошидан жамоамиз сай-ҳаракатлари туфайли 939 нафар фуқаролар иш билан таъминланди, шунингдек 164 киши касбга ўқитиш, қайта ўқитиш учун ўқув марказига юборилди. Меҳнат бўлими жамоасининг фаолияти кенг қамровли бўлиб, қатъий режа асосида фаолият юритамиз, ишимиз турли идоралар, ташкилотлар, бошқармалар билан узвий алоқага асосланган. Асосий вазифамиз эса туманимизда истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари ҳоҳлаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириш. Жумладан, меҳнат бўлими томонидан 95 нафар фуқаролар жамоат ишларига юборилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги "Амнистия тўғрисида"ги Фармони бўйича жорий йилнинг январь-август ойларида 61 нафар фуқаро амнистия орқали жазони ўташ жойларидан бўшаб қайтган, 41 нафар фуқаролар мустакил ишга жойлашган, бўлими

орқали 4 нафари иш билан таъминланди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида йил бошидан 281 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди, улардан 170 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди, ҳаммаси бўлиб ҳисобот даврида 181 кишига 3686421 сўм миқдорда ишсизлик нафақаси тўланди. Муддатидан аввал нафақага чиқиш учун 23 нафар фуқаролар туман ижтимоий таъминот бўлимига юборилди. Маҳаллалардаги 2 ёшга мақсадларида январь-август ойларида аҳолидан тушган аризалар асосида 1930 та оилага (кам таъминланган, кўп болали ҳамда муҳтож оилалар) ҳамда 2 ёшга ва 18 ёшгача болалари бўлган 1568 та оилаларга нафақа пуллари тайинланди. Шу йил бошидан меҳнат бўлими ташаббуси, Чилонзор туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси ва албатта, маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари кўмакларида туманимизда истиқомат қилаётган доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли учун уч марта "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар" меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда кўплаб йирик саноат, транспорт корхоналарининг, қурилиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ташкилотларининг малакали мутахассисларининг иштироклари таъминланди. Айниқса, "Мевазор", "Чарх-Камолон", "Чилонзор", "Қози-Камолот", "Катта Қозиробод", "Қатортол" каби кўплаб маҳаллалар оқсоқоллари туман меҳнат бўлими жамоасининг ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилган но-зиларига яқин мададкор ҳисобланишди. Чунки оқсоқол каби бошқа бирор киши маҳалладаги оилаларни яхши билмайди, уларнинг муаммо ва камчиликларидан хабардор эмас. Ёшларнинг қизиқишлари, интилишлари раисларнинг эътиборида бўлади. Шу боис ҳам бу борадаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда ишлашни кўллаб-қувватлаш керак. Меҳнат ярмаркаларига келса, самарадорлигини таъминлаш мақсадида уларни ўтказиш вақти, жойи, аҳолини кўпроқ жалб қилиш масалалари жамоамизнинг доимий диққат марказида.

Милоҳаза

ЎРГАНИШ ҲАМ, ЎРГАТИШ ҲАМ ФАЗИЛАТ

Ҳилола ШОЮСУПОВА, ўқитувчи: — Илм туганмас бойликки, у инсонларнинг ақлини, тафаккурини чарқлайди, хулқини поклайди, қоронғуликда нур бўлиб, ҳаёт йўлимининг ёритиб, нурафшон қилади. Менимча, илм ўрганиш ҳам, уни бошқаларга ўргатиш ҳам фазилатларнинг энг яхшиси-дир. Ана шу ажойиб фазилатнинг дилимга жо қилганим учун ота-онамдан, тақдиримдан жуда мамнунман.

Мен Тошкент Ахборот технологиялари университетидеда бир неча йиллардан буён ўқитувчилик қиламан. Бу йил ёзда қабул комиссиясида 60 нафарга яқин аъзолар қаторида ишладим. Қабул жараёнида нафақат ҳужжатлар қабули билан шуғулланганим, балки абитуриентларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтариш, маслаҳатлар бериш, ўқув-ўқув бўлими, методик қўлланмалари билан танишибгина қолмай, тижон топшириладиган фау-ар блоки, олиннадиган натижа-нинг қай тарзда баҳолаанишдан хабардор қиладиган ўқитувчи, маслаҳатчилар тайинланди.

Таълим йўналишлари, абитуриентларнинг ўтган йилги кириш балли билан бўшга кўплаб маълумотлар махсус тахтада акс эттирилди. Университетимизда махсус сиртқи бўлимнинг ташкил этилгани ҳам ёшларнинг маълум бир тоифаси учун қулайлик туғдиради. Булар айнан шу йўналишдаги касб-хўнар коллежларини битириб, шу тармоқда фаолият юритаётган ёки бўлмаса бошқа ўрта махсус билим юртини битирган бўлишда, телекоммуникация, радиотехника соҳасида камиди уч йил меҳнат тажрибасига эга бўлиши керак бўлган фуқаролардир.

Ҳилола ШОЮСУПОВА, ўқитувчи: — Илм туганмас бойликки, у инсонларнинг ақлини, тафаккурини чарқлайди, хулқини поклайди, қоронғуликда нур бўлиб, ҳаёт йўлимининг ёритиб, нурафшон қилади. Менимча, илм ўрганиш ҳам, уни бошқаларга ўргатиш ҳам фазилатларнинг энг яхшиси-дир. Ана шу ажойиб фазилатнинг дилимга жо қилганим учун ота-онамдан, тақдиримдан жуда мамнунман.



ИШ ҚИДИРУВЧИЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Дейлик, Сиз иш қидириясиз, ҳатто кўнглингиздаги идорада бўш иш ўрни борлиги ҳақида хабар топдингиз. Қандай йўл тутасиз?

Биринчидан, Сиз аввало раҳбар билан мулоқотга руҳан тайёрланинг, суҳбатдошингиз билан ўзингизни эркин тутинг ҳамда унга эътиборли бўлинг. Ўзингиз ҳақингизда гапириб бering, бунда жумлаларингиз қисқа, раво бўлишига эътибор бering. Сизга берилётган саволларга диққатингизни қаратинг. Гап орасида нима учун айнан уш айдорага ишга жойлашмоқчи бўлганингизни, танлаган лавозимингиз Сизга нечоғлик кераклиги ҳақида сўзлаб ўтинг, бу раҳбарга хуш ёқиши ҳақида уйланг...

Ҳиссини уйғотишини эслаб ўтганингиз маъқул. Жумладан, ҳаётингиздаги ноишлаб чиқариш характеридеги бирор бир қилишмоғичилик юз бергани ҳақида эмас, балки келгусидаги мақсад, интилишингиз нималардан иборат эканлиги тўғрисида сўзланг. Уларга эришиш учун қандай аниқ режаларингиз борлиги тўғрисида сўз очинг ва аялсиз, ҳар бир жавобингизнинг самимий бўлиши, дилдан чиқишига аҳамият қаратинг. Зинҳор зўрма-зўраки илҳажверманг.

Шу ўринда Сиз маъzur корхонанинг 5 ёки 10 йиллардан сўнг қандай аниқ ютуқларга эришиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурингизни чиройли тарзда аниқлашингиз, бу билан ўзингиз ҳақингизда яхши таассурот уйғонишига йўл очасиз. Хуллас, янги иш жойига эга бўлиш учун ушбу лавозимга айна Сиз лойиҳ эканлигингизни тушунирмоғингиз керак. Мўҳим жиҳатлардан яна бири, ташқи кўринишингизга жиддий эътибор қаратишини ҳам унутманг. Танлаган касбингиз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кийим-бошингиз, соч турмагига, ҳамма-ҳамма нарсаларни диққат марказингиздан қочирманг!

Яна бир маслаҳат, доимо изланиш, янгиликка ўчлик, атрофдагилар, ҳамкасблар билан самимий, дўстона муносабатлар албатта, Сизни ўз мақсадларингиз сари интилишингизда ижобий самаралар беришига ишонинг.

Комила СУЛАЙМОНОВА тайёрлади.

Сўранг, жавоб берамиз

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МЕХАНИЗМИ

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг муҳим шартларидан ҳисобланмиш, аксарият корхона, ташкилот, муассасаларда мавжуд бўлган шартнома механизми ҳақида билмоқчи эдик. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

СУГУРТА МАЖБУРИЙМИ?

Менга қарашли хусусий фирма биносини сотиб олганман. Худди шу ерда фаолият олиб бормоқдамиз. Уни суғурталаш мажбурийми, деган савол мени жуда қизиқтиради.

Бехруз Зокиров, Юнусобод тумани, Ўзбекистон Республикаси

Фуқаролик Кодексининг 914-моддасига асосан, суғурта ихтиёрий ва мажбурий турларга бўлинади. Суғуртанинг икки турга бўлиниши суғурта ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш асослари билан боғлиқ. Агар суғурта қонун талабига мувофиқ вужудга келса, у мажбурий, деб аталади. Чунки у иштирокчиларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган равишда вужудга келади.

Суғуртанинг ихтиёрий шакли эса шартномага асосланади. Мажбурий суғуртада суғурта ҳақининг ҳажми қонунда кўрсатилган бўлади ёки суғурта қилинаётган объектнинг нархидан келиб чиқиб аниқланади. Ихтиёрий суғуртада эса суғурта ҳақи томонларнинг келишуви билан белгиланади.

ЎРИНДОШЛИКДА КЎЗДА ТУТИЛГАНМИ?

Мен оилавий шароитимга кўра асосий иш жойимдан ташқари ўриндошликни биргаликда олиб борганман. Авваллари иккала

ишимдан бир хил вақтда меҳнат таътилига чиқардим. Аммо жорий йил бошида раҳбар ўзгарган, ўриндошлик ишимдан таътилга чиқишга рад жавобини беришди. Улар тўғри йўл тутишдими?

Ҳолида Ҳасанова, Яқкасарой тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 193-моддасига биноан, барча ўриндошликда ишлаётган фуқароларга ҳар йилги меҳнат таътили дам олиш учун иш жойи (мансаби) сақланган ҳолда берилади. Мабодо ташкилот ёки корхона ўриндошликка қабул қилишда шартномага меҳнат таътилини ишланади, деб кўрсатган тақдирда ҳам, бу қоний эмас. Меҳнат қонунига ҳилоф ҳисобланади бу ҳолат.

Асосан меҳнат таътили фуқарога асосий иш жойидан олган вақтда берилади. Аммо ўриндошлик бўйича ишланаётган корхона 18 иш кунигагина пул тўлайди, қолган (асосий иш жойидан 26 иш кунига тўланади) кунларга эса пул тўланмайди.

Ёшлар — келажагимиз



МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Юртимизнинг ёшлари — эртаниннинг давомчилари, келажақ умидлари. Уларнинг жисмон соғлом, маънан баркамол ва албатта, биронта касб-хўнар эгаси, билимдон бўлиб вояга етишлари учун давлатимиз томонидан кенг қўламадаги ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу эзгу мақсадлар йўлида жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берувчи ўқув масканлари, муҳташам спорт иншоотлари ёшларимизга хизмат қилмоқда. Чилонзор туманида жойлашган Электр техника тибийёт коллежидеда бўлганимизда бу ерда тахсил олаётган ўқувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилганлигига амин бўлдик.

— Бизнинг коллежimiz узок йиллардан буён давлат пойтахтда, балки бугун республикамизда обрў-этиборга эга бўлган таълим маскани ҳисобланади, — дейди коллеж директори тибийёт фанлари номзоди Искандар Муқимжонов. — Илмга чанқок, интилувчан, ташаббускор ўқувчи-ёшларга талабчанлик ҳамда келлаётган 135 нафардан ортиқ тахрибали устоз-мураббий, ўқитувчилар жамоаси таълим бермоқда. — Бизнинг коллежimiz узок йиллардан буён давлат пойтахтда, балки бугун республикамизда обрў-этиборга эга бўлган таълим маскани ҳисобланади, — дейди коллеж директори тибийёт фанлари номзоди Искандар Муқимжонов. — Илмга чанқок, интилувчан, ташаббускор ўқувчи-ёшларга талабчанлик ҳамда келлаётган 135 нафардан ортиқ тахрибали устоз-мураббий, ўқитувчилар жамоаси таълим бермоқда.

Эътиборли томони, улардан 35 нафари олий тоифали ўқитувчилар бўлиб, давлат таълими стандартларига мос, янги ўқув режалари ва дастурлари асосида билим бериб келмоқдалар. Айниқса, Фокия Вильданова, Флора Бекматова, Уткир Ваҳобов, Турғун Халилов, Озод Шукуров, Неъмат Турсунов каби ўқитувчиларимиз нафақат бой билимлари, балки қалб қўрлари билан ёшларга устозлик қилмоқдалар.

Коллежimizда ўқув жараёни юқори даражада ташкиллаштирилган. Иккита ўқув корпусида 78 та аудиториялар, фан, ахборот технологиялари ва ин-форматика фанлари бўйича 2 та замонавий компьютер хоналари, тиш техникаси амалиёт ўқитиладиган махсус жиҳозланган хоналар, бой кутубхона — электрон дарсликлар ҳам ўқувчи-ёшлар ихтиёрида. Шунингдек, ёшларнинг, битирувчиларнинг келгусида меҳнат бозоридеда эркин рақобатга киришишлари ҳамда билимларини чуқурлаштиришлари учун коллеж маъмурияти кирдан ортиқ тибийёт муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Яъни, ўқув-амалиёт базасини ташкил этуви, масалан, замонавий касб — тибий аппаратларни тузатиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўлими ўқувчилари 3.Вохидов номидаги Республика Жарроҳлик маркази, Тез тибий ёрдам кўрсатиш илмий марказида энг замонавий, хорийий тибийёт ускуналарини тузатиш, уларга хизмат кўрсатиш учун малакали шифокорлар етакчи мутахассислардан сабоқ олиб, иш тахрибларини ўрганадилар.



Жумладан, пойтахтимиздаги Тез тибий ёрдам шифохоналари, стоматология поликлиникалари ўқувчилар учун ўқув-амалиёт базаси ҳисобланади. Коллежда ҳам шунингдек, "Қим бўлсам экан?" деган саволга жавоб қидираётган ёшларга йил давомида "Консултация марказ"да барча мутахассисликлар бўйича тўлиқ маълумотлар берилади. Хулоса қилиб айтганда, жамоамиз аҳли ўқувчи-ёшларга билим бериш, касб-хўнар ўргатиш, шунингдек келгусида ҳаёт йўллариини тўғри танлашлари борасида ўз муносиб хиссаларини қўшмоқда. Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётиндан лавҳалар. Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.

1998 — Оила йилини катта мақсад, эзгу ниятлар, ёрқин умидлар билан бошладик. Ўтган йил улкан воқеаларга бой бўлди. Халқимиз эзгу мақсад — ривожланган бозор иқтисодиётига эга эркин демократик жамиятни шакллантириш сари янги одим қўйди. Тошкентликларнинг тинч, кенг кўламли бунёдкорлик меҳнатлари, чуқур ислохотларнинг амалга оширилиши, кишиларнинг қувонч ва ташвишлари, иқтисодиёт ва турмуш муаммолари «Оқшом» газеталарининг ўтган йиллардаги етакчи мавзулари бўлди.

Оила йили Инсон манфаатлари йилининг узвий давомига айланди. Газетамизнинг янги йилдаги ижодий режалари ҳам шу йўналиш билан ҳамоҳанг тузилди. Унда Оила йилига бағишланган саҳифа ва туркум мақолаларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ўрин берилди. Буни биргина газета томонидан ўша йили «Аҳил оила — муқаддас Ватан» деб номланган ижодий танлов ўтказилганлигидан ҳам билса бўлади. У шундай сатрлар билан бошланган эди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1998 йили Оила йили деб эълон қилар экан шундай деган эди. “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор”. Бинобарин, бу азму қарор чиндан ҳам олижаноб давлат кўламидаги мақсадга молик иш эди. Дарҳақиқат, оила — давлат асоси. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номуш, шарму ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган. “Тошкент оқишони” газетаси тахририяти “Бешбўғоқ” фирмаси билан режалаштираётган “Аҳил оила — муқаддас Ватан” шиори остидаги ижодий танлов ҳам жорий йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан эълон қилинмоқда. Ижодий танловда чоп этиладиган мақолаларнинг мавзуи оиланинг турли-туман қирралари ва барча жиҳатларини ўзида акс эттириши керак. Шу йилнинг охирида яқун чиқариладиган ушбу танловга профессионал журналистлар қатори турли соҳа кишиларининг мақолалари ҳам қабул қилинади”.

Табиийки, газета мунарижаши биргина Оила йили билан чекланиб қолмади. У ўз ўқувчиларини мамлакатимиз ва шаҳримизда, жажонда рўй бераётган янгилик ва воқеалардан биринчи бўлиб хабардор қилишга, ислохотларнинг боришини таҳлил этишга интилади. Маънавий баркамоллик, ахлоқ ва тарбия, таълим ва саломатлик, спорт мавзулари саҳифаларимиздан мунтазам ўрин олди. Қонунчилик ва ҳуқуқий тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Истиқлолга эришган илк кунимиздан бошлаб жажон илмига ўзининг бебаҳо хисасини қўшган буюқ Соҳабқирон Амир Темур, Исо ат-Термизий, Хожа Аҳмад Ясавий, Хожа Баҳроуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Нажмиддин Кубро, улуғ мунажжим Мирзо Улугбекнинг муборақ тўйларини ўтказдик. 1998 йил эса Самарқандда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Фарғонада Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини нишонладик. Буюқ бобокларимиз битган ҳар бир сатр, улар қўйган ҳар битта гишт қанчалар табаррук эканлигига бугун иймон келтирмаймиз. Мана шу тарихий бойлик, буюқ маънавиятимиз, маданий ёдгорликларимиз ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганлиги қувончли ҳодиса. Бу мавзулар ҳам газета эътиборидан четда қолмади.

Шу йили тошкентликлар учун яна бир туҳфа ҳада этилди. Ҳамшаҳарларимиз кўндан орзу қилган дам олиш маскани Сайилгоҳ фойдаланишга топширилди. Шаҳар кўрки, унинг янги бинолари, маданий-مائийш иншоотлар қурилишлари, ободончилиги ва кўчаларини янгилаш ишлари «Оқшом» газеталарининг доимо диққат марказида бўлиб келди. Сўзимизнинг исботи учун ўша йили газетамизда чоп этилган шаҳар фаолларининг барча тошкентликларга муносабатини келтири-

шимиз мумкин.

“Муаззам Тошкентимиз Шарқ дарвозаси ҳисобланади. Истиқлол шарофати билан у ўзгача кўркам эга бўлмоқда. Кейинги йилларда қад ростлаган нобб бинолар, очилган кенг ва раво кўчалар, янги боғ ва хиёбонлар, шарқона бозорлар, Эски шаҳарнинг ёшараётганлиги ҳар бир тошкентлик қалбига ўз шайридан гурунлашиш ва фахрлиниш ҳис тўйуларини ўйотмоқда, — деган сўзлар билан бошланган эди у. — Муқтадил давлатимиз пойтахтида истиқомат қилаётган ҳақиқий тошкентлик гўзал шахри жамоли янада чиرويли, кўча ва боғлари гулзор ва кўкаламзор, маҳаллалари саранжом- саришта, халқимиз табиатиға хос равишда покиза бўлиши учун шахсан масъул эканлигини ҳис этишни қарзи ва фарзи деб билмоғи шарт.

Биз халқимизнинг азалий қадриятларини унутмайлик. Ота-боболаримиз покизаликка, орасталикка ниҳоятда катта эътибор бериб келишган. Бунга иймон-этиқоднинг асосий мезони деб қарашган. Ҳовли-жойларни, эшик олдиларини тонг саҳардан супуриб-сидириш, сув сепиш худди кўл-ўзимизни ювишдек шарт ҳисобланган. Аслида ўзбек хонадонидан ахлатнинг ўзи чиқмаган. Сувга тушуриш

барлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончиға зиён етказмоқда.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракалари ҳам ўтакетган дабдалари равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизға пугур етказиш, муқаддас анъаналаримизни оубрўсиэлантеришға олиб келмоқда. Мазкур инти-лошларнинг носоғлом мусобақаға айланиб кетиш ҳоллари дабдалари тўй-ҳашамларини ўтказишға қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволға туширмоқда.

Энг ачинарли томони шунки, бундай сохта хўжақўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясиға салбий таъсир кўрсатамоқда. Кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий эътирозлари сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одаларға айланиб бораётган ҳолатларға чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Уларининг эътиёжларидан ортик маблагларини халқимизнинг азалий одаларига амал қилиб, хайр-эхсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларға, бева-бечораларға ёрдам бериш, турар жойларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришға сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаркатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий оубрў орттириш юзасидан таклиф ва маслаҳатлар бермоқдалар”.

Президент Фармонидан кейин «Оқшом» газеталари дарҳол бу мавзуға кенг эътибор қаратди. Саҳифаларимизда тўй ва маъракаларни чеклаш ва тартибға солиш ҳақида жуда кўп мақола-лар эълон қилинди, юртдошларимизнинг бу хусусдаги дил сўзлари мунтазам ёри-тиб борилди. Хусусан, Тошкент шаҳар-олларининг “Тўй ва маросимларимиз қадриятларимизға мос ва хос бўлсин”, Ўзбекистон “Маҳалла” жағфармаси фаолларининг “Эл-юрт одалари, анъаналари муқаддасдир” сарлаҳали Мурозаатномаси, “Қадриятларимиз кўзгуси”, “Дабдалари тўй-ҳашамлар, маъракаларға чек қўйлик”, “Тўй — асли ўзбекнинг катта орузси”, “Тўй ва санъаткор” каби ва бошқа (улар жуда кўп) мақолалар шулар жумласидандир.

“Жар” спорт-соғломлаштириш марказининг очилиши ҳам шу йилға тўри келди. Ушанда шаҳримизда янги, бетакор спорт мажмуасининг очилиши кўпчиликнинг дилдаги айни муддао бўлганди. Шу йилнинг ёдда сақланиб қолган янгиликларидан яна бири — газетамизға бешинчи янги Бош муҳаррир тайинланиши бўлди. Ўн йил давомида “Оқшом” газеталарини бошқарган иктидорли журналист Эркин Эрнатоврош бошқа ишға ўтганлиги муносабати билан тахририятимизда унинг ўрниға ким келаркин саовли фикримизни банд этди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Сабаби, газетанинг бундан кейинги йўналиши, унинг ўқувчиларға қай даражада манзур бўлиши биринчи навбатда Бош муҳаррирининг билим ва тажрибасиға, қобилияти ва иктидорига боғлиқ эди. Юқоридаги саоволнинг ечими ҳа деганда топилмавермади. Узок кутдик. Унғача газетани Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ Ёқубов бошқариб турди. Ниҳоят ораддан девяли олти ой ўтиб бу масалаға ойдинлик киритилди.

Ана-мана газетамизға янги Бош муҳаррир келармиш, деган овозлар тарқалиб турган кунларнинг бирида Солиҳ ака мени хузурига қақриб қолди. — Биласизми, бизға ўзимизда ишлаб кетган Акмалжон Бош муҳаррир бўлиб келяпти. Бу янгиликдан тахририят аъзолари хурсанд бўлдик. Ҳар қалай бу инсон ўзимизда масъул котиб бўлиб узок йиллар ишлаб, тажриба орттирган. Газетани яхши билади, ходимлар билан таниш. Ким нимага қодирлигидан хабардор. Энг муҳими, тажрибали, ташаббускор. 24 ноябрь кунини у билан танишув бўлди. Эртасидан бошлаб ҳар иккала газета янги Бош муҳаррирининг имзоси билан чиқа бошлади. Унинг келиши билан газеталарда бир қатор янгиликлар амалға оширилди, бир нечта янги рунклар пайдо бўлди. Бу ҳақидаги сўзимизни кейинги ҳикояларимизда давом эттирамиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

## Шарқ дурдоналари



● Эй ўғил! Бу насихатларға қулоқ сол, касбу хунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Унутмагинки, юрт ва элнинг ривожини ҳам хунарға боғлиқ! Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш ва кийим хунардан ҳосил бўлади! Хунар яширин ҳазина! Кунини келиб дунё тасодифлари тўғрисида мол-мулкдан ажралсанг ҳам, хунардан ҳеч қачон ажралмайсан. Аксинча, у янада сайқал топиб бораверади. Хунар сенинг доимий ҳамроҳинг ва мададқорингдир.

● Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири — ишламасдан бировлар инъом-эхсонига таъма қўзини тикиб ўтиришдир. Бундай салбий хислатга эга бўлганлар ҳамма вақт қораланганлар. Эр орасида беқадр бўлганлар. Касбу хунар ағаси таъмадан холидир. У ўз хунарининг фазилати тўғрисида ўз қўл меҳнати билан ҳалол тўпа, ҳалол ёйди.

● Билгинки, хунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас. Ҳар қандай хунарманд киши ўз хунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим. Зеро, Шайх Саъдий айтдики:

Кийида бўлмас

Фазлу хунардан,

Ундайнинг

сувратдан нима

фарқи бор?!

Хунар дунё тўплас

учун эмасдир,

Ўзгалар кўнглини

шод қилган такор!

● Ҳақимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглиға нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тахрибақор ва ақли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларға рози бўлади. Ўзига ҳаддан зиёда буюқ кўяди. Кимки уни мақтаса ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсаса оқибатини ўйламай жавобини бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холий, хатоға эса қон бўлади. Бойиб қолса ёки бировға ҳожати тушмайидан бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурлини юради. Биров савол бериб жавоб бергиси келмайди. Саволға қўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялини сўрайди. Қулса қаҳ-қаҳ уриб қулади, йилгаса ундан ҳам ўтказди.

● Минг оғиз бехуда сўздан бир лўкма наҳд таом яқши.

● Унутмагинки, ҳар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарак беради.

● Бирор ерга борганда эзмаланиб узок ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

● Дунёнинг барча ёмонлиги қўлланган бир ўйға яширилган. Унинг қалити бойлик бўлган хирсдир.

● Ҳикмат. Кисди саҳий душмандан сақлангандан кўра ҳасис дўстдан асрангани яхшидир.

Байт:

Ҳар кимсада бўлса қабиҳ бир одат,  
Бу одатни қилар  
бир кунни такор.



Шахримиз жамоли кундан кунга чирой очиб бормоқда.



Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## ХОТИРА КЕЧАСИ

Ўзбек халқи юрт манфаати, унинг миллий маданиятини юксалиши учун ҳисса қўшган ҳар қандай шахсни ҳеч қачон унутмайди. Ҳукумати-миз ҳам уларнинг номини абадийлаштириш учун бор имкониятларни ишга солади.

Жумладан, ўзбек санъатида ёрқин из қолдирган, миллий санъатимизни ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган буюк актёр Шукур Бурхоннинг ижоди ва хотирасига бағишланган тадбирнинг ўтказилиши ҳам уқоридаги фикримизга мисол бўла олади.

— Мен ўз ҳаётимда уч нарсга амал қилдим, биринчиси — ўз касбимга садоқат, иккинчиси — темир интизом, учинчиси — халққа яқинлик, халқни яхши ўрганиш. Актёрда шу каби хислатлар бўлмаса унинг ижодкор бўлиши кийин, деган эди буюк актёр. Шукур Бурхон ўз даврида ўзбек ва дунёнинг сара асарларида энг маъсулиятли, тарихий шахслар образларини ижро этиб, театр ва кинода жонланган эди. “Шоҳ Эдил”, “Қора ботир”, “Гамлет”, “Мирзо Улуғбек”, “Сулaimон ота” каби бир-биридан кескин фарқ қиладиган, бир вақтда ҳам ижобий, ҳам салбий ролларни моҳирона ижро этиб халқ орасида катта муваффақият қозongan эди.

Шукур Бурхон хотира кечасига бағишланган тадбирда санъат аҳли, унинг яқин дўстлари ҳамда қариндош-уруғлари ва маҳалладошлари иштирок этиб, актёр руҳини, унинг ижро этган буюк ролларини эсга олишди. Актёрнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан қадрланиб, мустақиллик йилларида унга “Буюк хизматлари учун” ордени мукофоти берилган. Ардоқли актёр ўз даврида ўзбек миллий санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган эди. Гарчи Шукур Бурхон орамизда йўқ бўлсада, унинг яратган образлари муҳлислар қалбига абадий яшайверади.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**  
“Туркистон-пресс”

## Табият ажойиботлари

### АНДОЗА ОЛСА АРЗИЙДИ

Унчалик яхши эшитиш хусусиятига эга бўлмаган бақанинг ҳаёти асосан унинг кўриш қобилиятига боғлиқ. Ов қилишда ёки душмандан қочишда фақатгина унинг кўзи ёрдам беради, бақада бошқа сезги аъзолари ривож топмаган. Одамларга ўхшаш тарзда бақа ўз нигоҳини у жисмдан бу жисмга қараб ўзгартира олмайди.

Ҳашаротлар орасида қимирлаганасдан бир жойда турган бақа очликдан ҳалок бўлиши мумкин. Бақанинг кўриш қобилияти атроф-муҳитнинг ёруғлигига боғлиқ эмас, улар учун кун ҳам, тун ҳам барибир. Демак ташқи муҳит ўзгариши билан унинг ўлжани тутиш қобилияти ўзгармайди. Бақанинг бундай қобилияти эркинликда ҳам, тутқунликда ҳам бир хилда сақланиб қолаверади. Шундай қилиб, кўриш асабининг ҳар бир тутами, бир хил ихтисослашган бўлиб, миёга фақат бир хил ахборот узатади, бундай кўзлар ниҳоятда саралаб ишлайди, у ҳашаротларнинг ҳақиқий локатори ҳисобланади.

Маълумки, аэропортлардаги мавжуд радарлар кун сайин кўпайиб бораётган самолётларни қабул қилиш ва ўнатишда маълум қийинчиликларга дуч келмоқда. Ҳозирги радарларда самолётнинг ҳаракати эмас, балки унинг маълум нуктада эканлиги қайд этилади, холос. Бундан ташқари радар экранига ҳаракатда бўлмаган бошқа нарсалар ҳам тушади. Бундай ҳолат ҳар қандай моҳир диспетчерни ҳам шошириб қўяди. Демак бақанинг ўзига хос кўз тузилиши мукамал радар яратишда сунъий нуҳса сифатида хизмат қилади. Бундай радарлар юқори даражада саралаб, энг асосийси, фақат ҳаракатдаги самолётларни кўрсатади.

Бақа кўзининг электрон модели радиолокацион қурилмаларни барпо этишда жуда қўл келди. Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда ана шу асосда операторларнинг ўрни тўла босадиган тизимни яратиш мумкин. Шундай автоматик қурилма самолётларнинг қўниши ва кўтарилишига руҳсат беради, серкватон ҳаво йўлларида уларнинг тўқнашиш хавфининг олдини олади. Бундай автоматик қурилмалар учиб келаётган ракеталарни кузатиш ва унинг тез-

лигини ҳисоб-китоб қилиш имконини беради. Шунинг учун келажакда бақа кўзидан фойдаланиб космосда олинган фотосуратларда акс эттирилган ахборотларни шарҳлаш имконияти яратилади. Тез югуриш, душмандан беркиниш ёки унга қаршилик кўрсатиш каби хусусиятлардан маҳрум бўлган бақага табиат ўзгача қаршилик кўрсатиш қуролларини инъом этган. Бақаларнинг тери ости, қулоқ атрофи ҳамда улкасида заҳар ишлаб чиқарадиган махсус безлар бўлиб улар бақани химоялашда катта аҳамиятга эга. Бундай заҳар дастидан бактериялардан тортиб йирик ҳайвонларгача тез ҳалок бўлади.

Яқинда матбуотда хабар қилинишича, Австрия миллий боғларидан бирида бақаларнинг янги заҳарли тури кўпайиб кетиши натижасида илонлар улар билан озиқланиб ҳалок бўлмоқда.

**ЯХЁ ДАВЛАТОВ,**  
**биология фанлари доктори**

Яқинда матбуотда хабар қилинишича, Австрия миллий боғларидан бирида бақаларнинг янги заҳарли тури кўпайиб кетиши натижасида илонлар улар билан озиқланиб ҳалок бўлмоқда.

**ЯХЁ ДАВЛАТОВ,**  
**биология фанлари доктори**

## Шарҳовчи миқбери

### ТАШКИ БОЗОРДАГИ РАҚОБАТ

Хитой товар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Экспорт борасида ҳам унга етадигани кам. Хитой маҳсулотлари кириб бормаган мамлакат йўқ ҳисоби. Аммо уларнинг сифатига иқтисодий шериклар, айниқса, Фарб давлатлари баъзида эътироз билдириб туради. АҚШ ва Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари Хитойдан келадиган кийим-кечаклар учун 30 йилдан буён квота қўйиб келаяётгани ҳам беҳис эмас.

Жорий йил бошида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) квоталарни бекор қилди. Шундан сўнг Хитойда ишлаб чиқарилган кийим-кечак экспорти кескин ошиб кетди. Тўқимачилик соҳасидаги экспорт ҳажмининг ошиши эвазига Хитой ташқи савдосидаги фойданинг ўсиши йилнинг биринчи ярмида беш баробар тезлашди.

Иш суръати шундай давом этверса, йил якунига бориб хитойликлар фойдани роса икки баробар ошириб, 2006 йилнинг ўзига АҚШ ва Европа ишбилармонларини бозордан суриб чиққан бўлур эди.

Лекин бунга йўл қўйилмади. Ававал АҚШ, кейин эса Европа Иттифоқи ЖСТ қонун-қоидаларини бузишдан ҳадиксирмай, Хитойдан импортни яна чеклаб қўйди.

Хитой ЖСТга аъзо бўлиб қираётганидаёқ, унинг товарларига барибир қандайдир чекловлар, масалан, махсус бож тўловлари жорий этилиши мумкинлиги қайд этилган. Бу ташаббусни АҚШ билан ЕИ илгари сургани сир эмас. Зеро, АҚШ ўзининг тўқимачилик соҳаси 16 миң ишчи ўрнини йўқотишида айнан Хитойни сабаб деб билади.

ЕИ мамлакатларида ҳам шундай ҳолат кузатилган.

Хуллас, Хитой билан ЕИ ўртасида савдо музокаралари бошланди. Чунки қандайдир ўзаро қатъий келишув ўрнатилиши лозим эди. Бу орада Европадаги импортчи компаниялар хитойлик шерикларига қиймати 4 миллиард АҚШ долларига тенг кийим-кечакча буюртма бериб, пулини олдиндан тўлаб ҳам қўйди. Ҳеч вақт ўтмай, Европа божхоналари омборхоналарини белгиланган меъёрдан ташқари ярим миллиард евролик Хитой маҳсулотлари босиб кетди. ЕИ қийин аҳволда қолди: уларни божхонадан ўтказмай деса, бу йилги квота аллақачон ёпилган, ўтказмаса, хитойлик ишбилармонлар эмас, шу кийим-кечакларга буюртма берган Европа компаниялари касодага учраши экин.

ЕИ Хитойга муаммони ҳал этишнинг учта йўлини таклиф қилди. Унга қўра, тўпланиб қолган ортиқча товарни божхонадан 2006 йилги квота ҳисобига ёки бошқа маҳсулотлар учун белгиланган квоталар эвазига, ёхуд умуман квота белгиланмаган маҳсулотлар тарикасида ўтказиш мумкин. Хитой, дастлаб норозилик билдирган бўлса-да, узоқ музокаралардан сўнг иккинчи йўлни танлашга мажбур бўлди.

Шу hafta бошида Европа коммиссияси божхоналарда август ойи бошидан буён тўпланиб қолган 87 миллион донга кийим-кечакни ЕИ бозорига киритиш билан боғлиқ сўнги ҳужжати қабул қилди. 14 сентябрдан кунга кирган бу ҳужжат Хитой кийим-кечакларига белгиланган квота ҳажмини оширишни ҳам қўзда тутди.

Кузатувчиларнинг фикрича, хитойлик ишбилармонлар маҳсулот сифатини ошириб, ташқи бозорда ишончли мустаҳкамлаш экан, АҚШ ва ЕИнинг инжиқликларига учрайверади.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ “ДОРИ-ДАРМОН” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Тошкент вилояти “Дори-дармон” Очiq акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши Сизларга 2005 йил 22 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 28-уйдаги мажлислар залида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади. Акциядорлар рўйхати 2005 йил 30 август ҳолатига тузилган.

#### КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛГАН:

1. Ўзбекистон Республикаси “Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 майдаги 131-сонли Қарори ва Республика давлат мулк қўмитасининг 2005 йил 2 июндаги 58К ПО-сонли “Дори-Дармон” давлат акциядорлик уюшмасини “Дори-Дармон акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида”ги буйруғидан келиб чиқадиган вазифалар.
2. Жамият эмиссия рисоласи ва Низомига тегишли ўзгариштирилар киритиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги 2005-

2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПК-29-сонли Қароридан белгиланган жамиятдаги давлат активини сотиш.

4. Жамият балансидаги ҳозирда фойдаланмай келаётган ва эскириб хизмат муддатини ўтаган баъзи асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш.

5. Жамият Кузатув кенгаши тартибига ўзгартириш киритиш.

Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш 2005 йил 22 сентябрь куни соат 8.00 дан 9.50 га қадар амалга оширилади. Акциядорлар рўйхатдан

ўтишлари учун шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча равишда вакил номига нотариал тартибда тасдиқланган ишончномани тақдим этишлари лозим.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши билан боғлиқ қўшимча маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш учун жамиятнинг Кузатув кенгашига мурожаат қилиш мумкин.

(Тошкент-31, Юсуф Хос Ҳожиб-28. Тел: 56-37-43, 56-46-06).  
**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**Футбол**

**САФАРДАГИ ГАЛАБА**

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг XIX тур учрашувлари шахримизнинг бош жамоаси — «Пахтакор» мухлислари-га олам-олам қувонч бахш этди

Шуни таъкидлаш жоизки, галаба сув билан ҳаводек зарур бўлган «Пахтакор» бу сафар меҳмонда «Шўртан» жамоаси билан беллашди. Майдонда уюшган ҳолда жамоавий ўйин кўрсатган меҳмонлар тўлиқ устунликни қўлга киритишди. Рақиб дарвозасига ҳавфли ҳужумлар уюштириш, тўпни бирига-бирига узатиш борасида меҳмонлардан анча маҳоратли ўйнаган «Пахтакор»чилар 90 дақиқа мобайнида «Шўртан» дарвозасини уч бор аниқ нишонга олиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди.

Шунингдек, ҳозирча турнир жадвалида карвонбошлик қилаётган «Насаф» жамоаси Тошкентда «Трактор»-га 2:4 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйиб, муҳим очколардан маҳрум бўлди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Машъал» — 1:3, «Навбахор» — «Қизилқум» — 2:1, «Бухоро» — «Самарқанд-Динамо» — 1:0, «Металлург» — «Тупаланг» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Локомотив» — 1:4.

Навбатдаги тур беллашувлари 24 сентябрь кuni бўлиб ўтади.

Ақбар йўлдошев.

**РЕЙТИНГДАГИ ЎРНИМИЗ ЎЗГАРДИ**

Ҳар доимгидек ФИФА миллий терма жамоалар учун мўлжалланган ўзининг навбатдаги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги икки ой давомида ўтказилган 2006 йилги жаҳон чемпионатида саралаш беллашувларининг натижалари терма жамоаларнинг рейтинг жадвалидаги ўрнига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Таркибда Кафу, Роберто Карлос, Рональдо, Рональдино каби беназир юлдузлар тўп сураётган Бразилия терма жамоаси ҳамон пешқадамлар сафини бошқариб турибди. Иккинчи ўринга эса бир поғона юқорилаган Голландия термаси қичиб олди. Кучли уликдан ҳамон Аргентина терма жамоаси ўрин олиб турибди.

Шуниси қувонарлики, Кувайт терма жамоаси билан кечган жуда мураккаб ўйинда ажойиб галабага эришган мамлакатимиз терма жамоаси ўз ўрнини анча юқорилаб олди. Ҳозирда терма жамоамиз 57-поғонани банд этиб турибди.

(Ўз мухбиримиз)

**Олимпия ҳаракати**

**ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ**

Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 7-13 сентябрь кунлари Хитойнинг Гуаньчжоу шаҳрида Осиё Олимпия Кенгашининг XXIV Бош ассамблеяси бўлиб ўтди.

Унда 45 та мамлакатнинг Миллий олимпия қўмиталари, Халқаро Олимпия Қўмитаси етакчилари, бошқа халқаро спорт федерациялари фаоллари, шунингдек, «Турин-2006», «Пекин-2008», «Доха — 2006» ҳамда «Чунгчун-2007» ёзги ва қишки Олимпияда ва Осиё ўйинлари ташкилий қўмиталари вакиллари иштирок этишди. Ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Рустам Қурбанов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари ҳам қатнашди.

Қуни-кеча Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ушбу таширфининг якуналари, анжуман иш доирасида қўрилган масалалар хусусида сўз борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Хитойда бўлиб ўтган нуфузли анжуманда Осиё олимпия қўмитаси президенти шайх Аҳмад Ал-Фахд Ас-Сабоҳ Ўзбекистоннинг спортни ривожлантириш борасидаги ҳаракатларини спортчиларимизнинг Афинадаги ёзги Олимпияда ва Осиё ўйинларидаги иштирокини юқори баҳолади. Ўзаро келишувга кўра Ўзбекистон ва Хитой олимпия қўмиталари президентлари ўртасида Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпияда ўйинлари тийёргарлик кўриш борасида суҳбат бўлиб ўтди. Бундан ташқари ҳар икки томоннинг МОҚлари ўртасида келгусида ҳамкорлик қилиш ва биргаликда фаолият кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

**Биласизми?**

**ҲАР ТОМОНЛАМА Фойдаланишдади**

Барчамиз Япония халқининг асосий таомни гуруч эканлигини биламиз. Шу ўринда «нимага», деган савол туғилади.

Японияликлар гуруч етиштирувчи халқ бўлиб, улар 2000 йилдан ортиқ вақтдан бери гуручни ўзларининг асосий маҳсулотлари сифатида истеъмол қилиб келмоқдалар. Шу тарзда гуруч Япониянинг жуда муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланади ва Кунҷикар мамлакат маданиятининг кўпгина асосий томонлари гуруч билан боғлиқдир. Саке, гуручли пироглар, печеньелар

ва ҳамирдан пиширилган нарсаларнинг ҳаммаси гуручдандир.

Японияликлар асосан пар (буг)да пиширилган гуручни қизил ловия билан истеъмол қилишади. Шунингдек, улар шу таомни қурбонлик сифатида ҳам таркатадилар. Японияликлар «rice balls»ни сайру саёҳатларга боришганда ўзлари билан олишади. Шу билан бирга улар гуручни сирка би-

лан аралаштиришади. Нега деганда, бу уни ёмон бўлиб қолишдан сақлайди.

Японлар гуручлари териб олинган шохлардан шиппак, ёмғир ўтказмайдиган кийимларни тайёрлашда фойдаланадилар. Шунингдек, уларнинг томларини ёпишда ҳам ана шундай шохлар жуда қўл келади.

Феруза УМРЗОКОВА тайёрлади

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида юртимизда ижод қилаётган корейс мусаввирлари асарлари кўрғазми очилди. У мамлакатимиздаги Корейс маданият марказлари уюшмаси, Корея Республикасининг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**КОРЕЙС МУСАВВИРЛАРИ Кўрғазмаси**

Кўрғазманинг очилишида сўзга чиққанлар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг ilk кунларидан мамлакатимизда турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик, бағрикенглик, тотувлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланганини алоҳида таъкидладилар. Бугунги кунда юртимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшаб, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шуни айтиш жоизки, юртимизда истиқомат қилаётган корейс мусаввирлари ижодига бағишланган бадий кўрғазмалар ташкил этиш аҳси аънағога айланган. Бу калга кўрғазмада Николаи Пах, Николай Шин, Владимир Шин, Искра Шин, Александр Ли, Мирон Хегай, Лана Лим, Светлана Цой каби мўйқалам сохибларининг икки юздан ортиқ ижод намунаси билан танишиш мумкин.

Кўрғазманинг очилиш маросимида Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Факултолда ва мухтор элчиси Мун Хаён иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

**Тиббий**

**ШИФОБАХШ ДОРИ-ДАРМОНЛАР**

«Гедон Рихтер» деган ном билан аталаётган кимё-фармацевтика заводи Венгриядаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар гинекологик, кардиологик, неврологик хасталикларни даволашда қўл келмоқда.

Бу йирик корхонанинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фаолиятини ҳам яхши йўлга қўйилган. Унинг саёй-ҳаракати билан республикамиздаги ўнга яқин шифохона корхона препаратлари билан таъминланмоқда. Корхона ҳимматида мамлакатимиздаги қатор меҳрибонлик уйлари, даволаш-профилактика муассасалари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Ваколатхонанинг тиббий илмий текшириш институтлари билан яқин ҳамкорлиги унинг маҳсулотларини кенг оммалаштиришда омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

**Мунажжим башорати**

**ЯХШИЛИККА — ЯХШИЛИК КЕЛАДИ**

21 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНА

Қадрдон мунажжимимиз Л. Неведомская, бугунги ёлгонлар шош бўлиб, эзгуликлар рўёбга чиқадиган кун, дея таърифлайди. Энг керакли маълумотлар гўё ўз-ўзидан пайдо бўлади ва сизни алдаб юрганларни шармандаи шармисор қилади. Шунда, бировга чоқ қазима — ўзинг йқиқилсан, деган мақол уларнинг ёдига тушиши аниқ, Меркурий сайёраси қувватларининг ёрқин тақдир рамзи - қундузги Ой қуввати билан бирлашиши туфайли омадингиз калити ҳеч бир шубҳасиз сизнинг қўлингизда бўлади.

Ой тақвимиининг 18-кунини рамзи бўлмиш кўзгу атрофимиздаги инсонлару жонли-жонсиз мавжудотларга муносабатимиз эртани-кечми — қандай бўлса шундайлигига қайтишни билдиради. Қўлган яхшилик ёки ёмонлигимиз биз ҳеч кутмаган жойдан ва мутлақо бегона кишилардан қайтиши мумкин экан. Бинобарин, мунажжим дўстларимизнинг маслаҳатларига амал қилиб, яхшиликка бел боғлаш — эзгуликни қутишга ҳаққимиз бўлади.

Рамзий тушлар таъбир қилинмайди. Яхши ва рангдор тушлар башоратли бўлиб, тез орада ўнгидан келади.

Бугун кўпгина хасталиклар ўзини билдириши, буйрак касаллиги эса хуруж қилиши мумкин. Бугунги кун рўза тутиш учун айнан қўлай келармиши, ҳеч бўлмаганда, бадҳаэм таомлардан воз кечиш керак бўлади. Ҳаммом қилиш, уқалаш мўлажаллари ва ички аъзоларни тозалаш учун ҳам бугунги кун гоъят қўлай ҳисобланади. Кўп уқлаш мумкин эмас, акс ҳолда касал бўлиб, ҳамма ёнгингиз оғриб уйғонасиз.

Либослардан кўк ва оқ ранглилари бугунги кун руҳига мос келади. Сарик ва яшил рангли либосларингизни бир чеккага суриб қўя туринг.

**БУГУН:**

- ўзингизга ёққан иш билан шуғуллангиз;
- сиздан кўп куч талаб қилмайдиган даражада яхшилик қилиш;
- ҳар қандай муаммоларни телефон ёки алоқанинг бошқа турларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш;
- агар имкониятингиз бўлса — кунни уйда ўтказиш;
- ўз ташқи қиёфангиз ва кийимларингиз ҳақида қайғуришингиз;
- ўзингизни табиий тутиб, сертавозе ва хуштаъб бўлиш тавсия қилинади.

Хатто энг кичкина низода ҳам қатнашишдан, анча жиддий ишлар билан шуғулланишдан, спиртли ичимликлар ишқибозлари билан учрашувлардан, тез ёниб кетувчи ашёлар ва олов билан бепарво муносабатдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.



**Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нуссада босилади. Қўлте бېғими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа аниқлардорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзилы «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.